


ЮБИЛЯРИМИЗ

ИЛМГА БАХШИДА УМР



Ҳаётда шундай инсонлар борки, улар бутун умрини кишиларга эзгулик ва маърифат тарқатишга сарфлайдилар. Фарғона давлат университетининг профессори, филология фанлари доктори Акбар ака Матғозиев ана шундай олижаноб инсонлардан.

Акбар ака ҳаётини фанга бахшида этди. Унинг фаолияти ҳам олим, ҳам педагог сифатида сермазмун ва бой. 1956 йилда Фарғона давлат педагогика институтини имтиёзли диплом билан тугатгач, у киши 1962 йилгача Олитариқ, Учқўприк туманларида ўқитувчи бўлиб ишлади. Шу йил Фарғона давлат педагогика институтига ишга таклиф қилинди.. 1963-1966 йилларда эса ЎзР Тил ва адабиёт институтининг кундузги аспирантурасида ўқиди.

1966 йилда Ўз ФА мухбир аъзоси Ғ.Абдурахмонов раҳбарлигида “Ўзбек тилида эргаштирувчи боғловчиларнинг тараққиёт тарихи” мавзуида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

1977 йилда олим ўзининг “XIX аср ўзбек тилининг морфологияси” номли илмий монографиясини нашр эттирди. Бу тадқиқот мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Заҳматкаш олим 1980 йилда “Эски ўзбек тили морфологияси бўйича тадқиқот” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаш шарафига муяссар бўлди.

А.Матғозиев 1966 йилдан буён Фарғона давлат университетининг ўзбек тилшунослиги кафедрасида ишлаб келмоқда. Ўз касбига, лавозимига ўта масъулиятлилиқ билан ёндошувчи Акбаржон ака ўзбек тилшунослиги кафедрасига қарийб 20 йил мудирлик қилди, бу давр мобайнида кафедранинг республика доирасидаги мавқеи кўтарилди, катта илмий потенциалга эга бўлди, унинг раҳбарлигида қатор етук ва бақувват олимлар етишиб чиқди.

Тиниб-тинчимас олим тилшуносликнинг манбашунослик ва услубиётига доир мақолалар ҳамда учта йирик монографик тадқиқот муаллифидир.

А.Матғозиев бир неча йиллардан буён “Фарғона водийси ўзбек шевалари, халқ оғзаки ижоди, ёзма манбаларини ўрганиш” мавзуси бўйича ташкил этилган илмий лабораторияга раҳбарлик қилиб келмоқда. Ижодкор олим халқимиз тарихига оид асарларни ёш авлодга етказишда самарали ишлар қилмоқда, жумладан, 1988 йилда чоп этилган саҳийлик гимсоли Хотам Тай ҳақидаги “Хотамнома”, Мирзо Олим Мушрифнинг Қўқон тарихини ёритувчи “Ансобус-салотин ва таворих ул-ҳавоқин” номли ҳамда Ҳакимжон Тўранинг “Мунтахаб ут-таворих” асарини

нашрга тайёрлаш борасида қилган ва шу кунларда олиб бораётган ишлари фикримизнинг ёрқин далилидир.

Профессор А.Матғозиев ўзининг педагогик фаолияти билан талабалар орасида катта обрў-эътиборга қозонган. Унинг маърузалари илмийлиги, тарбиявий аҳамиятга моликлиги билан алоҳида ажралиб туради. Олим томонидан ўқиладиган “Қадимги туркий тил”, “Эски ўзбек тили ва ёзуви”, “Умумий тилшунослик” курслари бўйича маърузалар талабалар томонидан катта қизиқиш билан тингланади.

Фарғона давлат университети жамоаси Акбаржон Матғозиевни толмас жамоатчи, моҳир ташкилотчи сифатида ҳам яхши биладилар: у киши узоқ йиллар кафедра мудир, факультет декани, илмий ишлар бўйича проректорлик лавозимларида сидқидилдан меҳнат қилган.

Университет жамоаси номидан муҳтарам устозимиз А.Матғозиевни табаррук 60 ёши билан қизгин табриклаймиз ва бугун айна камолат ёшига тўлган ижодкор олимдан ҳали кўп тадқиқотлар, илмий-ижодий изланишлар кутиб қоламиз.

Алижон Мамажонов,
Сиддиқжон Мўминов